

НО соғдиши

“Тасдиқланган”
“CHINOBOD SANATORIYASI” АЖ
акциядорларининг йиллик
умумий йиғилишида
20.09.2020 йил, баённома № 1.



CHINOBOD SANATORIYASI

акциядорлик Жамиятининг

УСТАВИ

(янги тахрир)

Тошкент шаҳри – 2020 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. "CHINOBOD SANATORIYASI" акциядорлик жамияти (матн давомида Жамият деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2000 йил 20 – октябрдаги 3–8 сон, 2001 йил 25 – октябрдаги 6–19о сон қарорлари ва меҳнат жамоасининг 2001 йил 17 июлдаги умумий йиғилиши қарорига асосан “Чинобод” санаториясининг хужалик юритиш шаклини ўзгартириш натижасида ташкил этилган бўлиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда тўла равишдаги иш юритувчи ҳисобланади.

Жамият "CHINOBOD SANATORIYASI" очик акциядорлик жамиятининг барча молиявий ҳуқуқ ва мажбуриятлари буйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни (06.05.2014 й. ЎРқ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўли фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – "CHINOBOD SANATORIYASI" акциядорлик жамияти.
- лотин алифбосида – "CHINOBOD SANATORIYASI" aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида:

- акционерное общество "CHINOBOD SANATORIYASI".

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида – "CHINOBOD SANATORIYASI" АЖ
- лотин алифбосида – "CHINOBOD SANATORIYASI" AJ

Рус тилида:

- АО "CHINOBOD SANATORIYASI".

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100039, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 88.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: sihatgoh_chinabod@mail.ru

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.chinabod.uz.

1.7. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.8. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини қўлга киритади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

1.9. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб варақлар очишга ҳақлидир.

1.10. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлади.

1.11. Жамият ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.12. Жамиятнинг таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳисобланади.

1.13. Жамият молия-хўжалик фаолиятини олиб боришда амалдаги қонунчиликка амал қилган ҳолда, ҳамма турдаги шартномалар тузиши мумкин.

1.14. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

1.15. Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш чоғида ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади, бошқа юридик шахслар устав фондлари (капиталлари) таъсисчилари бўлиш ёки бошқа турда иштирок этиш, филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши, бирлашма ва уюшмаларга кириши мумкин.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади: Уставда кўрсатилган фаолиятдан даромад олиш ва аҳолига даволаш-профилактика хизматини кўрсатиш.

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- санаторийда неврология, гинекология, терапия, кардиология, психотерапия, эндокринология, гастроэнтерология, диетология, курортология, урология, физиотерапия, эндоскопия (ЭФГДС), терапевтик стоматология, ультратовуш диагностикаси ҳамда клиник лаборатория диагностикаси ихтисосликлари буйича тиббий хизмат кўрсатиш;

- санаторийда дам олувчиларга замонавий талаб даражасида ва тиббиёт фанлари ютуқлари доирасида, тасдиқдан ўтган ташхис қўйиш ва даволаш терапия мажмуи талаблари асосида даволаш ишларини ташкил этиш;

- курорт варақасига эга бўлмаган дам олувчиларни врач кўригидан ва лаборатория текширишларидан ўтказиш;

- касаллик турини ҳисобга олган ҳолда беморлар ва дам олувчиларга тўйимли ва парҳез таомларни тайёрланишини ташкил этиш;

- аҳолига йўлланма нарҳига кирмаган қўшимча пуллик тиббий ва маиший хизматларини кўрсатиш;

- савдо ва савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

- илмий текшириш институтлари ходимларини жалб қилиб, санаторийда дам олувчиларга маслаҳат ёрдами бериш буйича иш олиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш;

2.2. Лицензиялашни лозим бўлган фаолият билан шуғуланиш, лицензия олганидан сўнг амалга оширилади. Жамият мақсадларига мос келувчи Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган барча турдаги хўжалик фаолиятларини, амалга оширади.

2.3. Жамиятнинг махсус рұхсат (лицензия) талаб этадиган фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 1 134 000 000 (бир миллиард бир юз уттиз тўрт миллион) сўми ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўм бўлиб 1 134 000 (бир миллион бир юз уттиз тўрт минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинади.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар фақат Жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.5. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.6. Қўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.7. Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.8. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

3.9. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қискартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.10. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

3.11. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.3. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони мутаносиб равишда тақсимланади. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

4.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.5. Акцияларнинг бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган ҳақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

4.6. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондидан ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган ҳақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоиздан миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамият бошқарув органилари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бошқаруви).

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиш шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

• Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

• Жамиятни қайта ташкил этиш;

• Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

• Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

• эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

• Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш;

• Жамиятнинг устав капиталини камайитириш;

• ўз акцияларини олиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

7.5. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

7.6. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 кишидан иборат.

8.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе ҳўжалик

Жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

8.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мулкаланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият Бошқарув раиснинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

8.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарихда олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳамлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.7. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

8.8. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

8.9. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

8.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг қарорлари етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

8.11. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия орган (бошқарув) томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви органи 4 кишидан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан 1 йил муддатга сайланади. Жамият Бошқарув органи тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин булган танлов асосида қабул қилинади.

9.2. Бошқарув органининг раҳбари раис бўлиб, у оператив раҳбарликни амалга ошириб, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамият фаолияти ҳисоботини тақдим этади.

9.3. Бошқарув органининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Бошқарув органи акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари белгирилишини ташкил этади.

9.4. Бошқарув раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- акциядорлик Жамияти номидан ишончномасиз иш олиб бориш, унинг манфаатларини бошқа ташкилот ва корхоналар билан муносабатларда химоя қилиш;

- Устав ва бошқа ҳужжатларда кўрсатилган миқдорда акциядорлик Жамияти мулки ва пул маблағлари билан ўзаро муомалада фойдаланиш:

- шартнома ва битимлар, шунигдек меҳнат шартномаларини тузиш;

- ишончномалар бериш;

- банкларда ҳисоб ва бошқа рақамларини очиш;

- унга тобе бўлган ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар бериш;

- ишчи-ходимлар штатини тасдиқлаш ва унинг тўлдирилишини таъминлаш.

9.5. Бошқарув раиси мажбуриятлари:

- Жамият фаолиятининг кундалик раҳбарлигини, унинг самарадорлиги ва турғунлигини

таъминлаган ҳолда ўзига берилган ваколатлар доирасида олиб бориш, Жамият умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши мутлак ваколатларига тегишли масалалар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларни бажарилишини ташкил этиш;
- Жамиятни ривожлантириш режаларини ва бизнес-режасини тузиш ва ташкил этишга раҳбарлик қилиш ва унинг бажарилишини назоратга олиш;
- Жамият фаолиятида қонунчилик талабларини бажарилишини таъминлаш;
- Жамият бухгалтерия ҳисоботини ташкил этиш, унинг тегишли ҳолатини ва ишончилигини, йиллик ҳисобот ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида тегишли органларга, шунингдек Жамият фаолияти бўйича ҳисоботни акциядорларга, кредиторлар ва бошқа ахборот олувчиларга ўз вақтида тақдим этилиши таъминлаш;
- Жамият молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳақидаги ҳужжатларни Жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки аудитор талабига биноан тақдим этиш;
- Давлат статистик ҳисоботини тегишли ташкилотларга ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини таъминлаш;
- Жамият учун тижорат сирлари бўлган ахборотларни сақлаш, агар ушбу ахборот учинчи шахсларга бериш вазифаси топширилган бўлмаса. Жамият тижорат сирлари қаторига кирувчи ахборотлар рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;
- Жамият ишчи-ҳодимлари томонидан хизмат ва тижорат сирларига тегишли ахборотларни сақланишини таъминлаш;
- Жамиятни мутахассис кадрлар билан таъминлаш, ишчиларнинг билимларидан, мутахассислик тажрибаларидан ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш бўйича чоралар кўриш;
- хизмат тартибни сақлаш;
- Жамият ишчи-ҳодимлари ижтимоий таъминот гаровлари ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш;
- Жамоат мажлисларида ижроия орган вакиллари қатнашишини таъминлаш. Жамоат шартномалари ва келишувлари тузилишида иш билан таъминловчи сифатида қатнашиш. Жамоат шартномалари бўйича мажбуриятларни бажариш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича маърузани кўрсатилган муддатда тақдим этиш;
- акциядорларнинг амалдаги қонун асосан ахборотларни олиш, акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендларини ҳисоблаш ва тўланиш ҳуқуқларини таъминлаш;
- ички ҳужжатлар, амалдаги қонунчилик ва бошқа норматив актларга амал қилиш.

9.6. Жамиятнинг бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари «Акциядорлик шартномалари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, жамият устави томонидан ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

9.7. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Жамиятнинг бошқарув раҳбари билан тузиладиган шартномада уларнинг акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари даврийлиги

назарда тутилиши лозим.

9.8. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига кўра берилади.

9.9. Жамиятнинг бошқарув мажлисларини ўтказишни жамиятнинг бошқарув рахбари вазифасини бажараётган шахс ташкил этади, у жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда бошқарув мажлиси баённомаларини имзолайди, бошқарув ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ ишончномасиз жамият номидан иш юритади.

9.10. Жамиятнинг бошқарув аъзоларига тўланадиган меҳнат ҳақи ва бошқа ҳақлар миқдори хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланиши керак.

9.11. Жамиятнинг бошқарув раиси вазифасини ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозимларни ўриндошлик йўли билан бир шахснинг эгаллашига кузатув кенгаши розилиги билангина йўл қўйилади.

9.12. Акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

9.13. Кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув рахбари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.14. Агар жамиятнинг ижроия органини тузиш акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган бўлса, ижроия органининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Кузатув кенгаши бошқарув рахбарининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек ижроия органи тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

9.15. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

9.16. Жамият Бошқаруви мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

Х. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат. Айтилган шахс Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

10.2. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айтилган жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

10.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари :

- Жамиятнинг молиявий ҳужжатларини, мол-мулкни инвентарлаш бўйича тафтиш комиссиясининг ҳулосасини текшириш, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

- Жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

- юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобини мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- молиявий-хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, қоидалар ва ҳоказоларга риоя қилинишини текшириш;

- Жамиятининг молиявий ҳолатини, унинг тўловга қобиллигини, активларнинг ликвидлигини, ўзининг ва қарз маблағлари нисбатини таҳлил қилиш;
- корхонанинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, резервларини яхшилаш ва Жамият бошқариш органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;
- маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар томонидан бюджетга тўловлар, облигациялар бўйича дивидендлар, фоизлар ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар узилишини ўз вақтида ва тўғри амалга оширилади текшириш;
- солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун Жамият баланслари, ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;
- Жамият бошқарув раиси томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини, уларнинг Жамият Уставига, Жамият Бошқаруви тўғрисидаги Низомга ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарорларига мувофиқлигини текшириш;
- акциядорлар Умумий йиғилишлари қарорларини таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларидан тафовут қилган тақдирда уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

10.4. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

10.5. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

10.6. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

11.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

11.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.



**Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik xaqida
ma'lumotnoma**

22.10.2020 r

	O'zgarishdan oldin	O'zgarishdan keyin
1	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi 201221881, CHINOBOD SANATORIYASI	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining nomi <i>O'zgarishlarsiz</i>
2	THSh Aksiyadorlik jamiyati	THSh <i>O'zgarishlarsiz</i>
3	Faoliyat yuritish manzili Toshkent shahri, Yunusobod tumani, CHINOBOD KO'CHASI, 88-UY,	Faoliyat yuritish manzili Toshkent shahri, Yunusobod tumani, CHINOBOD KO'CHASI, 88-UY
4	IFUT Shifoxona muassasalari faoliyati	IFUT <i>O'zgarishlarsiz</i>

O'zgarishdan oldingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	201685882	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI KENGASHI	1 134 000 000.00	100.00 %
Ustav fondi 1 134 000 000.00 UZS				100.00 %

Imzo: 100673.ELYORJON DILMURODOV ILG'OR O'GLI

A handwritten signature in blue ink, consisting of stylized, cursive letters. The signature is positioned to the right of the printed name and partially overlaps it.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"CHINOBOD SANATORIYASI" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"CHINOBOD SANATORIYASI" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

29.12.2001

10-000143

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

201221881

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, CHINOBOD KO'CHASI, 88-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



100039, Toshkent sh. Chinobod ko'ch. 88-uy.
Tel.: (+998) 71-212-2276, (+998) 71-212-3748, Faks: (+998) 71-212-2276
e-mail: sihatgoh_chinabod@mail.ru

№ 08-03/420
"21" 10 2020 yil

ДОВЕРЕННОСТЬ

Дана **НАЗРУЛЛАЕВОЙ САКИНЕ АМАНУЛЛАЕВНЕ**
(паспорт АВ № 2440671 выдан 26 декабря 2015 года Чилонзор тумани ИИБ
г.Ташкента, адрес: г.Ташкент, Чиланзарский район, 1 квартал, д. 43, кв.36)

Настоящая доверенность дает право на перерегистрацию
учредительных документов в Центре государственных услуг и подписывать
документы от имени АО «CHINOBOD SANATORIYASI».

Доверенность выдана сроком на 10 дней.

Образец подписи Сайтов

Председатель Правления

